

---

## Участка сайловга шай

Ўзбекистон туманидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказувчи 108-сайлов участкасида овоз бериш жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилган.

Участка зарур жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологиялари, овоз бериш кабиналари, сайлов қонунчилигига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, тарғибот воситалари билан таъминланган.







– Бу йилги сайловларга тайёргарлик жараёнларининг ўзи самарали ўтди. Марказий сайлов комиссиясининг ташаббуси билан ташкил этилган кўп босқичли ўқув-тренинглarda олган кўникма ва малакаларимизни сайлов куни албатта амалда тадбиқ этамиз, – дейди сайлов участкаси раиси Зулфияхон Саримсоқова. – Сайловчилар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни миллий сайлов қонунчилиги мазмун-моҳияти билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2019-12-20 20:58:54